

ПРОФЕССИОНАЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШДА ЖОРӢ ҚИЛИШДА РАҲБАР ХОДИМЛАР КАСБӢ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИ ЎРНИ

Асадов Дамин Абдурахимович¹, Ҳакимов Валихан Алиханович¹,
Мамажанов Шоҳруҳмирзо Олимжонович², Шаюнусов Бунёджон Салиевич³

1 – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Тошкент ш.;

2 - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент ш.;

3 - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ соғлиқни сақлаш хизмати, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

РОЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРИ РЕАЛИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В ЗДРАВООХРАНЕНИИ

Асадов Дамин Абдурахимович¹, Ҳакимов Валихан Алиханович¹,
Мамажанов Шоҳруҳмирзо Олимжонович², Шаюнусов Бунёджон Салиевич³

1 - Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников министерства здравоохранения Республики Узбекистан, г. Ташкент;

2 - Министерство здравоохранения Республики Узбекистан, г. Ташкент;

3 - Служба здравоохранения АО “Узбекистон темир йуллари”, Республика Узбекистан, г. Ташкент

THE ROLE OF FORMING THE PROFESSIONAL COMPETENCES OF MANAGERS IN THE IMPLEMENTATION OF THE SYSTEM OF PROFESSIONAL STATE MANAGEMENT IN HEALTH CARE

Asadov Damin Abdurakhimovich¹, Khakimov Valikhan Alikhanovich¹, Mamazhanov Shohrukhmirzo Olimzhonovich², Shayunusov Bunedzhon Salievich³

1 - Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Tashkent;

2 - Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, Tashkent;

3 - Health Service of “Uzbekistan Temir Yollari” JSC, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: hva-kaf1@umail.uz

Резюме. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг “Жамоат саломатлиги ва соглиқни сақлашни бошқарши” кафедраси тажрибаси асосида «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси»да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, профессионал давлат бошқаруви тизимини соглиқни сақлашида жорӣ қилишида раҳбар ходимлар касбий компетенцияларини шакллантиришин ўрни таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: соглиқни сақлаши тизими, профессионал давлат бошқаруви, раҳбар ходим, касбий компетенция, бошқарув ходимлар заҳираси.

Abstract. In the article, based on the tasks defined in the "Development Strategy of New Uzbekistan", based on the experience of the Department of "Public Health and Health Management" of the Center for Professional Qualification of Medical Workers of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan, the role of the formation of professional competencies of executives in the implementation of the system of professional public administration in healthcare.

Key words: health care system, professional public administration, executive, professional competence, managerial personnel reserve.

Мавзуу долзарбилиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 5-максади билан мамлакатда ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат киладиган давлат бошқаруви тизимини жорӣ қилиш вазифаси белгиланган. Яъни, давлат бошқаруви органларининг худудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларини режалаштиришга каратилган

янги тизим яратиш кўзда тутилган. Давлат бошқарувида фаолият кўсратувчи раҳбар ходимларни салоҳият даражаси, иш услуби янги касбий даражада чиқиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларга монанд соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг негизий тамойиллари ва якуний натижаларини ўзгартирувчи босқичма-босқич, чукур трансформация амалга оширилмоқда. Ислоҳотларни тўлақонли амалга ошириш жараёнидаги муаммолардан бири бу бошқарув ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим беришнинг яхлит тизими

йўклиги бўлиб, улар аслида уларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи омил бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хукуқий хужжатларида бу масалага алоҳида эътибор берилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартағи Ф-33 сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни саклаш соҳаси вакиллари билан «очик мулокот»ида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши билан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни саклаш соҳаси вакиллари билан очик мулокоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди [2]. «Йўл харитаси»нинг 42-бандини амалга ошириш механизми «Ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва раҳбар ходимлар захирасини шакллантириш тизимини ўзгартириш»ни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклашни ривожлантириш концепцияси”да Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизими Ўзбекистон Республикасида соғлиқни саклаш тизимида етакчи ходимлар захирасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган [3].

Концепцияга мувофик, куйидаги кўрсаткичлар ислоҳотларни амалга ошириш самарадорлигининг асосий индикаторлари сифатида белгилаб берилган:

-соғлиқни саклаш тизимига замонавий менежментни жорий этиш, менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқариш соҳасида илғор тажрибаларни жорий этишни таъминлаш;

- 2025 йилга қадар соғлиқни саклаш тизимининг барча бўғинларида менежмент соҳасида ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан ўтган раҳбар ходимлар улушини 100 фоизга етказиш.

Мазкур Фармонни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқарувчи миллий агентлигининг 2019 йил 25 январдаги 34/25-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ходимларининг стратегик режалаштириш ва бошқариш имкониятларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинган [4].

Тадқиқот мақсади. “Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, профессионал давлат

бошқарувчи тизимини соғлиқни саклашда жорий қилишда раҳбар ходимлар касбий компетенцияларини шакллантиришнинг ўрнини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариш” кафедраси тажрибаси асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқот материалы ва усуллари. 2019-2023 йиллар давомида Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариш” кафедраси томонидан зикр этилган меъёрий-хукуқий хужжатлар ижросини таъминлаш, соғлиқни саклаш тизимида профессионал бошқарувчilar таркибини босқичма-босқич шакллантириш, касбий компетенцияларини ривожлантириш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Хисобот даври мобайнида 20 турдаги янги ихтисослаштириш, қўшимча қайта тайёрлаш, умумий, мавзуий малака ошириш цикллари бўйича ўқув дастурлари тайёрланди ва тасдиқланди, ўқув ва тарқатма материаллар ишлаб чиқилди ҳамда ушбу цикллар амалиётга жорий этилди. Кўрсатилган давр мобайнида жами ўтказилган 321 та циклда 9505 нафар тингловчи таълим олган.

Соғлиқни саклаш вазирлигининг тегишли бошқармалари билан узвийликда худудий соғлиқни саклашни бошқарув органлари билан ҳамкорлик механизmlари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Жумладан, ўқув йилига фаолиятни режалаштиришда ҳамда ўқув йили давомида буюртмачилар- худудий соғлиқни саклашни бошқарув органлари раҳбарияти билан икки томонлама ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Бунинг учун бошқарувчilar учун Telegram мессенжерида маҳсус ишчи гурух; бошқарув органлари ходимлар бўйича бош мутахассислари учун ишчи гурух; худудий бошқарув органлари раҳбарлари бевосита икки томонлама реал вактдаги алоқалар; ўқув йили бошланишидан аввал ва ўқув йили якуни бўйича кафедра ходимлари ҳамда бошқарувчilar ва ходимлар бўйича мутахассислар иштирокида онлайн тартибдаги таҳлиллар каби механизmlардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотда профессионал давлат бошқарувчи тизимини соғлиқни саклашда жорий қилишда раҳбар ходимлар касбий компетенцияларини шакллантириш бўйича фаолиятимизнинг босқичма-босқич, мақсадли механизmlари таҳлил қилинди. Фаолиятимизни биринчи ўналиши: амалда фаолият кўрсатаётган соғлиқни саклаш тизими, тиббиёт муассасаларининг раҳбар ходимларини “Соғлиқни саклашни бошқариш ва жамоат соғлиқни саклаш” мутахассислиги

бўйича қайта тайёрлаш, мақсадли умумий ва мавзули малака ошириш дастурларини жорий этиш.

Ушбу йўналиш бўйича **биринчи бор** олинган натижаларга:

-бирламчи тиббий-санитария муассасалари раҳбарлари учун жорий этилган махсус 72 кредитли мавзуй малака ошириш циклида барча худудлар вакилларининг таълим олишини;

-худуд даражасидаги раҳбар ходимлар учун “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириши концепцияси” бўйича жорий этилган махсус 48 кредитли сайёр мавзуй малака ошириш циклларини барча худудларда ўтказилишини;

-худудий тиббиёт бирлашмалари раҳбар ходимлари учун жорий этилган махсус 144 кредитли махсус масофавий+сайёр тартибдаги умумий малака ошириш циклларида барча худудлар вакилларининг таълим олишини;

- бирламчи тиббий-санитария муассасалари раҳбарлари учун жорий этилган махсус 144 кредитли махсус масофавий+сайёр тартибдаги умумий малака ошириш циклларида хозирга қадар республиканинг 11 та худудлари вакилларининг таълим олишини;

- худудий соғлиқни сақлашни бошқарув органларининг раҳбар ходимлари учун янгиланган тартибда 50 кредитли махсус мавзуй малака ошириш, яъни “Бошқарувчилар мактаби” цикллари жорий этилишини;

-2021 йилдан бошлаб соғлиқни сақлашни бошқарув органлари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбар ходимлари, молиявий хизмат раҳбар ходимлари учун янги молиявий механизмлар ва бухгалтерия хисоби бўйича худудларда сайёр тартибда ўтказилган 36 кредитлик махсус мавзуй малака ошириш цикллари ўтказилишини;

-2022 йилдан бошлаб республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва барча давлат даволаш-профилактика муассасаларининг амалдаги раҳбар ходимлари учун махсус 216 кредитлик кўшимча қайта тайёрлаш цикли ҳамда соғлиқни сақлашда бошқарув асослари бўйича 72 кредитли махсус мавзуй малака ошириш цикли жорий этилишини;

-2023 йилдан бошлаб жорий этилган худудлар эҳтиёжи асосидаги интеграцион 144 кредитли масофавий+сайёр тартибда ўтказилаётган умумий малака ошириш циклларини келтириш лозим.

Фаолиятимизни иккинчи йўналиши: Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбар ходимларининг стратегик захирасини шакллантириш. Ушбу жараёнга қўйидагилар киради: худудий соғлиқни сақлашни бошқарув

органлари ва тиббиёт муассасалари томонидан тақдим этилган номзодлар орасидан дастлабки саралашни ўтказиш, танланган номзодларни 306 кредитли бирламчи ихтисослаштириш циклида таълим олиши, таълимни мувафақиятли яқунлаганларнинг касбий фаолияти мониторинги.

Ушбу йўналиш бўйича биринчи бор олинган натижаларга:

-Вазирлик тизимида раҳбар ходимлар стратегик захирасини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган йўриқноманинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 25 январдаги 34/25-сонли қўшма қарори билан тасдиқланишини;

-Ишлаб чиқилган тингловчиларни якуний баҳолаш мезонларини, цикл битирувчилари фаолиятини мониторингини тартибини соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 ноябрьдаги 523-сонли бўйруги билан тасдиқланишини;

-тасдиқланган тартибга асосан тизимли равища худудларга чиқкан ҳолда, худудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари раҳбар ходимлари иштирокида раҳбар ходимлар стратегик захирасига номзодларни дастлабки саралашни ўтказиши тизимини жорий этилганини; жумладан, 2021 йилнинг май-сентябрь ойлари даврида ўтказилган саралаш натижасида 718 нафар ариза берувчилар орасидан 315 нафар (43,9%) мутахассис танлаб олинганини;

-хисобот даврида ўтказилган циклларда таҳсил олган 194 нафар тингловчидан таълим якунлари бўйича 61 нафарига амалдаги лавозимига нисбатан юқори лавозимга тайинланиши мумкинлиги бўйича хулоса берилганини;

-ўтган давр мобайнида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 41 нафар малакали мутахассис амалдаги лавозимига нисбатан юқори лавозимларга тайинланганини кўрсатиш лозим.

Мухокама. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг босқичмабосқичлиги, таркибий ўзгаришлар, раҳбар ходимларни шакллантиришдаги муаммоли масалаларни инобатга олган ҳолда кафедра томонидан фаолият натижалари, жумладан худудий соғлиқни сақлашни бошқарув органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти натижалари таҳлили ўтказилмоқда. 2022 йилдан бошлаб биринчи бор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир меёрий-хўкукий хужжатлар ижроси бўйича ўтказилган цикларда раҳбар ходимларнинг худудлар кесимида иштироки таҳлили асосида худудлар рейтингини шакллантириш механизми жорий этилди (1 сонли жадвал).

Жадвал 1. 2021/2022 ўкув йили ва 2022/2023 ўкув йилининг беш ойи давомида ўтказилган циклларда раҳбар ходимларнинг иштироки даражаси бўйича худудлар, муассасалар рейтингни

Худудлар, муассасалар	Ўртача иштирок %	Ўртача % бўйича рейтинг ўрни	
		2021/2022 ва 2022/2023 ў.й.	2021/2022 ў.й. бўйича
Самарқанд вилояти	72%	1	1
Андижон вилояти	68%	2	2
Наманган вилояти	61%	3	11
Фарғона вилояти	59%	4	3
Тошкент шаҳри	59%	5	15
Бухоро вилояти	58%	6	5
Коракалпогистон Республикаси	57%	7	4
Сурхондарё вилояти	55%	8	8
Кашқадарё вилояти	53%	9	9
Жиззах вилояти	50%	10	10
Тошкент вилояти	49%	11	6
Навоий вилояти	48%	12	7
Сирдарё вилояти	39%	13	13
Хоразм вилояти	37%	14	12
Республика муассасалари	25%	15	14
Олий тиббий таълим муассасалари/клиникаси	0%	16	
Ўртача %	56%		

Тахлил кўрсатишича хисобот даври давомидаги худудлар рейтингида Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси биринчи ўринни, Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси иккинчи ўринни ўзгаришсиз эгаллаганлар. Шу билан биргаи 2021/2022 ўкув йили натижалари бўйича 3 ўринни эгаллаган Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жорий ўкув йили натижаларини ҳам қўшиб хисоблаганда 4 ўринга тушган бўлса, 2021/2022 ўкув йилида 11 ўринни эгаллаган Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси якуний 3 ўринга кўтарилишга муваффақ бўлган.

Хуноса. Олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимида профессионал давлат бошқаруви тамойилларини жорий этишда фаолият кўрсатувчи раҳбар ходимларни кайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва шу билан бирга раҳбар ходимлар стратегик захирасини шакллантириб бориш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Натижалар тахлили асосида профессионал раҳбар ходимлар касбий компетенцияларини шакллантиришни такомиллаштиришнинг кейинги босқичи сифатида тизим бошқарув ходимлари учун “Online maktab” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” Фармони. -2022. -68 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартағи Ф-33 сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга оширилмоқда.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармойиши. -2022. -33 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. – 2018. -47 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 25 январдаги 34/25-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимларининг стратегик режалаштириш ва бошқариш имкониятларини такомиллаштириш тўғрисида”ти қўшма қарори. - 2019 йил. -8 б.

РОЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРИ РЕАЛИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В ЗДРАВООХРАНЕНИИ

Асадов Д.А., Ҳакимов В.А., Мамажсанов Ш.О., Шаюнусов Б.С.

Резюме. В статье исходя из задач, определенных в «Стратегии развития Нового Узбекистана», на основе опыта кафедры «Общественное здоровье и управление здравоохранением» Центра профессиональной квалификации медицинских работников Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, проанализирована роль формирования профессиональных компетенций руководящих работников в реализации системы профессионального государственного управления в здравоохранении.

Ключевые слова: система здравоохранения, профессиональное государственное управление, руководящий работник, профессиональная компетенция, управленческий кадровый резерв.